

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТАШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ОДАМ АНАТОМИЯСИ КАФЕДРАСИ**

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 6**

**МАВЗУ: ЧАНОҚ КАМАРИ СУЯКЛАРИ ВА СОН СУЯГИ,  
УЛАРНИНГ ЁШГА ҚАРАБ ЎЗГАРИШИ.**

**Кафедра мудири: Х.А.Расулов**

**Тошкент 2009**

## **6-амалий машғулот. (2-маъруза)**

**Мавзу: Чанок камари суяклари ва сон суяги, уларнинг ёшга қараб ўзгариши.**

**Машғулотнинг мақсади:**

Талабаларга чанок ва сон суягининг тузилишини, уларнинг одам

организмидаги аҳамиятини ва ёшга қараб ўзгаришини тушунтириш.

### **Вазифалар**

- чанок ва сон суягининг қисмларини ўзбекча ва латинча номларини ўргатиш

- чанок ва сон суягининг асосий анатомик белгиларини кўрсатиб бериш

- суякларни чап ёки ўнг томонники эканлигини аниқлашни ўргатиш

- чанок ва сон суягининг болалардаги хусусиятларини ўргатиш

### **Назарий қисм:**

Талабаларнинг назарий ва амалий билимларини аниқлагач ўқитувчи чанок ва сон суягининг тузилишини, уларнинг одам организмидаги аҳамиятини ва болалардаги хусусиятларини тушунтириб, асосий белгиларини кўрсатиб беради.

Чанок суяги (*os сохасе*) 16 ёшгача бўлган болаларда тоғай воситасида бириккан учта алоҳида: ёнбош, қов ва ўтирғич суякларидан иборат. Уларнинг танаси бириккан жойни ташқи юзасида сирка косачаси ҳосил бўлади. Сирка косачаси айланаси қирра билан ўралган чуқур бўлиб, ички томонида ўймаси бор. Унинг чекка қисмини сон суяги бошчаси билан бўғим ҳосил қилувчи яримойсимон юза эгаллаган, туби эса ғадир-будир.

Ёнбош суяги (*os ilium*) икки қисм: пастки қалинлашган, сирка косачасини юқори қисмини ҳосил қилишда қатнашадиган танаси ва юқориги кенгайган қанотидан иборат. Ёнбош суягининг қаноти S шаклида бўлиб, ўртаси юпқалашган. Унинг чеккаси қалинлашиб, ёнбош қиррасини ҳосил қилади. Ёнбош қиррасида қорин мушаклари бирикадиган учта ғадир-будур чизиклар: ташқи лаб, ички лаб ва оралик чизик бор. Ёнбош қирраси олдинда ўзаро ўйма билан ажраган олдинги устки ва пастки ёнбош ўсимталари, орқада эса орқадаги устки ва пастки ёнбош ўсимталарини ҳосил қилиб тугайди. Қанотнинг ташқи юзасида учта олдинги, орқа ва пастки думба чизиклари жойлашган бўлиб, улардан думба мушаклари бошланади. Қанотнинг ички ботик юзасида ёнбош чуқурчаси бор. Уни пастки томондан равоқсимон чизик чегаралаб туради. У қулоқсимон юзадан бошланиб, ёнбош-қов тепалигига ўтиб кетади. Қулоқсимон юзанинг устида ёнбош бўртиғи жойлашган.

Қов суяги (os pubis) сирка косачасини олдинги қисмини ҳосил қилувчи кенгайган танаси ва икки: қов суягининг юқори ва пастки шохидан иборат. Юқори шох суяк танасидан олдинга қараб йўналган бўлиб, унда ёнбош-қов тепалиги ва қов бўртиғи бор. Юқори шохнинг орқа чеккаси бўйлаб қов қирраси жойлашган. Юқори шохнинг олдинги қисми букилиб пастки шохга ўтади. Бу жойда қарама-қарши суяк билан бирикадиган овал шаклдаги симфиз юза бор.

Ўтирғич суягининг (os ischii) танаси сирка косачасини пастдан чегаралаб, бурчак ҳосил қилиб суяк шохига ўтиб кетади. Унинг бурчагида ўтирғич бўртиғи бор. Ундан юқорирокда ўтирғич ўсимтаси жойлашган. Бу ўсимта катта ва кичик ўтирғич ўймаларини бир-биридан ажратиб туради. Ўтирғич суяги шохи қов суягининг пастки шохи билан бирикиб ёпқич тешикни ҳосил қилади.

Чаноқ суяги учта асосий ва бир нечта қўшимча суяк нуқталардан суякланади. Янги туғилган чақалоқ ёнбош суяги тоғай ва суяк қисмлардан иборат бўлиб, унинг қанот рельефи яхши билинмаган ва қирраси тоғайдан иборат. Суяк танаси нотўғри шаклга эга бўлиб, сирка косачасининг юқори қисмини ҳосил қилади. Ўтирғич суягининг танаси ва юқориги шохи суякланган, пастки шохига суякланиш жараёни энди тарқаётган бўлади. Унинг танаси сирка косачасининг пастки орқа қисмини ҳосил қилади. Қов суягининг танаси ва юқориги шохи суякланган, пастки шохига суякланиш жараёни тарқаётган бўлади. Қов суяги танаси сирка косачасининг пастки олдинги қисмини ҳосил қилади. Сирка косачаси ташқи томондан тоғай билан қопланган. Унинг қиррасига тоғай бўғим лаби бириккан бўлади. Косача тубида суякларнинг бириккан жойда Y шаклидаги тоғай бўлиб, унинг қалинлиги турлича. Эрта болалик даврида чаноқ суягини ўсиши ва суякланиши тезлашади. Бу даврда ёнбош суяги қаноти S шаклини олади ва ёнбош чуқурчаси пайдо бўлабошлайди. Ўтирғич ва қов суякларини пастки шохлари суякланиб, ўзаро 1-2 мм қалинликдаги тоғай қатлам билан ажралиб туради. Болаликнинг биринчи даврида чаноқ суяги 1,5-2 марта катталашади. Болаликнинг иккинчи даврида чаноқ суяги ўсиши секинлашади. Унинг рельефи шаклланиб, ўтирғич ва қов суякларининг пастки шохлари ўзаро қўшилади. Ёнбош суяги қирраларида, ўсиқларида, кулоқсимон юзасида, ўтирғич ва қов бўртиқларида иккиламчи суяк нуқталари пайдо бўлади. Балоғат даврида ёнбош, қов ва ўтирғич суяклари ўзаро бирикиб ягона суякни ҳосил қилади. Қўшимча суяк нуқталари чаноқ суяги билан 22-25 ёшларда қўшилади.

Сон суяги (femur) одам организмидаги энг узун ва катта найсимон суяк. Унинг танаси, юқори ва пастки учлари тафовут қилинади. Сон суягининг юқори учида чаноқ суяги билан бўғим ҳосил қиладиган шарсимон бошчаси бор. Бошчанинг ўртасида чуқурча бўлиб, унга сон суяги бошчасининг бойлами бирикади. Сон суягининг бўйни  $130^{\circ}$  ҳосил қилиб бошчани тана билан қўшиб туради. Суяк бўйнини танага ўтиш жойида мушаклар бирикадиган катта кўст ва кичик кўст бор. Улар олд томондан ўзаро кўстлараро чизик, орқа томондан эса кўстлараро қирра воситасида





Кимни ҳатоси кам бўлса, у яхши баҳоланади. Подгруппа катнашчиларга бир хил баҳо қўйилади.

Топшириқлар:

- 1.чаноқ ва сон суяги қисмларининг ўзбекча ва лотинча номларини билиш
- 2.чаноқ ва сон суягининг асосий анатомик белгиларини кўрсатиб бериш
- 3.чаноқ ва сон суякларининг болалардаги хусусиятларини билиш
- 4.Мавзу бўйича талабаларни баҳолаш варақасини тўлдириш

Одам анатомияси фанидан талабаларни баҳолаш варақаси  
Аъзонинг номи чаноқ ва сон суяги

Терминлар			Аъзо қисмлари	Аъзонинг фаолияти
лотинча	ўзбекча	русча		

Баҳолаш мезони:

Балл	Баҳо	Талабанинг фан бўйича билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба чаноқ ва сон суякларининг тузилишини, қисмларини ва ундаги ҳосилаларни кўрсатиб, лотинча номларини айтиб, уларнинг аҳамиятини тушунтира олса. Чаноқ ва сон суягининг болалардаги хусусиятларини айтиб берса.
71-85	Яхши	Талаба чаноқ ва сон суякларининг тузилишини, қисмларини ва ундаги ҳосилаларни кўрсатиб, лотинча номларини айтиб, уларнинг аҳамиятини айтиб бера олса.
55-70	Қониқарли	Талаба чаноқ ва сон суякларининг тузилиши, унинг қисмлари тўғрисида тасаввурга эга бўлса.
0-54	Қониқарсиз	Талаба чаноқ ва сон суякларининг тузилиши, унинг қисмлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмаса.

### Жорий назорат саволлари

- 1.Чаноқ суяги қисмлари қайсилар?
- 2.Ёнбош суягининг тузилишини айтиб беринг?
- 3.Қов суягининг тузилишини айтиб беринг?
- 4.Қуймич суягини тузилишини айтиб беринг?
- 5.Сирка косачасининг тузилишини айтиб беринг?

6. Чаноқ суягининг болалардаги хусусиятлари қандай?
7. Сон суягининг тузилиши қандай?
8. Сон суягининг болалардаги хусусиятлари қандай?
9. Тизза қопқоғининг тузилиши қандай?

Машғулотнинг таъминланиши.

Скелет, бутун чаноқ, алоҳида чаноқ суяги, сон суяги, тизза қопқоғи, эмбрион скелети.